Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 31 МАЙ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (13.173)

Баҳоси эркин нархда

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШҲТГА БУ ГАЛГИ РАИСЛИГИ ҲАМ ТАШКИЛОТ ТАРИХИДА КАТТА ИЗ ҚОЛДИРАДИ”

Испаниянинг Валенсия шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги халқаро ҳамкорлик мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Испаниянинг Стратегик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва академик доиралари вакиллари қатнашди. Улар Ўзбекистон Республикасининг ШҲТ доирасидаги фаолияти ҳамда юртимизнинг ушбу ташкилот ривожидаги ҳиссаси билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотини институционал мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантиришга йўналтирилган асосий ташаббуслари мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилар экан, Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислиги даврларида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳамда қарорлар ҳақидаги маълумотлар йиғилганларда катта таассурот уйғотди.

Қайд этилганидек, республикамиз ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ва мустаҳкам ҳамкорлик тамойилларига қатъий риоя қилаётгани ҳолда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада юксалишини таъминлашга интилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббуслари билан ҳам танишдилар.

Испания Конгресси депутати Хосе-Мария Чикийо “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик таъминланишида Ўзбекистоннинг ўрни ўта муҳим эканлигини қайд этди.

— Мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан сўнг тинчликни сақлаш ҳамда иқтисодий тараққиёт масалаларида қатъий йўлни тутди, — деди у. — Бугунги тадбир Ўзбекистоннинг ШҲТ фаолиятидаги позицияси тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имконини берди. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингизнинг ШҲТга раислиги доирасидаги фаолияти янада самарали бўлишига тилакдош эканлигимни айтмоқчиман.

— Ўзбекистоннинг ШҲТга ҳозирги раислиги мазкур ташкилотнинг 15 йиллик юбилейига тўғри келгани чуқур рамзий маънога эга, — деди **Валенсиядаги Европа университети профессори Хорхе Местре.** — Шу давр оралиғида, жумладан, Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур бирлашма эътиборли тизимга айланиб, унинг нуфузи кескин равишда ошди. Ўзбекистоннинг ШҲТ фаолиятида иқтисодий йўналишни кучайтириш зарурлиги борасидаги нуқтаи назари жуда мақбул ва тўғридир. Чунки бу йирик минтақадаги барқарорликнинг қўллаб-қувватланишида аҳоли фаровонлигини юксалтириш жуда муҳимдир.

Мамлакатингизнинг бундан олдинги раислиги даврларида унинг ташаббуси билан ШҲТ доирасида муҳим қарорлар қабул қилиндики, улар бирлашмага аъзо давлатларнинг манфаатларига мос келади. Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига бу галги раислиги ҳам ташкилот тарихида катта из қолдиради.

“Жаҳон” АА.
Мадрид

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Оқил Ғуломов олган сурат

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ ХОРИЖЛИК ИНВЕСТОРЛАРГА ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётида давлатнинг иштирокини камайтириш жараёнига хорижлик инвесторларни янада кенг жалб этиш мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Европа Иттифоқи делегацияси вакиллари ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ваколатхоналари савдо маслаҳатчилари билан ўтказилган учрашувда шулар ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида ишлаб чиқариш объектларига тадбиркорларни кенг жалб қилиш, давлат активларини инвесторларга сотиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Хорижий инвесторларга таклиф қилинаётган давлат активлари, солиқ ва божхона имтиёзлари тўғрисида тақдимот ҳавола этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкчиликнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 68 корхонадаги давлат улуши чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун савдога қўйилган. Хусусан, “Навоийазот”, “Фарғонаазот”, “Урганч экскаватор”, “Қизилқумцемент”, “Жиззах аккумулятор заводи” акциядорлик жамиятлари, “Асакабанк”, “Агробанк”, “Туронбанк” ва бошқа муваффақиятли фаолият юритаётган муассасалардаги давлатга тегишли акциялар хорижий сармоядорларга таклиф қилинмоқда.

Тадбирда хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилиш, давлат активларини сотиб оладиган хорижий инвесторларга бериладиган имтиёзлар ва кафолатлар ҳақида гапирилди. Қўмитанинг масъул ходимлари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик мутасадди ходимлари, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, лицей ўқувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айлангани таъкидланди. Мустақиллик йилларида ўғлонларимизнинг ҳарбий хизматга, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиши кучайди.

Мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

– Тадбирда Қуролли Кучларимиз фаолияти, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини кучайтириш ва ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди, – дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Ғолибжон Ғуломов. – Келажакда юртимиз осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан концерт намойиш қилинди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Андижонда “Юрт келажаги” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида 600 га яқин иштирокчи архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларида ўз истеъдодини синовдан ўтказди.**

● **Хоразмда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Сиз полвонларингизни биласизми?” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

● **Самарқандда ўтказилган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остидаги анъанавий “Китоб байрами” маънавий-маърифий тадбири “Самарқанд китоб олами” мажмуасининг тантанали очилиши билан бошланди.**

● **Нукусда “Ҳамшира – 2016” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда 14 ҳамшира ўз билим ва малакасини намойиш этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

● **Гулистонда “Юрт келажаги” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган икки юздан ортиқ ёш “Архитектура ва дизайн”, “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар”, “Тасвирий ва амалий санъат”, “Адабиёт ва журналистика” йўналишлари бўйича билим ва истеъдодини намойиш этди. Ғолиб деб топилган 12 нафар ёш танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

ЖАҲОНДА

● **Испаниялик археологлар Басков шимолидаги Атксурра ерости ғоридан полеолит даврига оид бир нечта қоятош суратларини топишди. Суратларда отлар, буқалар ва эчкилар, буғулар тасвирланган. Тарихчиларнинг фикрига кўра, мазкур ноёб суратлар бундан 12,5-14,5 минг йил аввал чизилган бўлиши мумкин.**

● **Антарктида шимолий қисмидаги тез эриб бораётган йирик муз бўлаги улкан фожиаларни келтириб чиқариши мумкинлиги олимлар томонидан таъкидланмоқда.**

● **АҚШнинг Флорида штатидаги Хендри округида ғаройиб воқеа рўй берди — фермерлар тимсоҳнинг улкан тарвузни жағига қисган ҳолда сувга тушаётганининг гувоҳи бўлишди. Йиртқич ҳайвоннинг бундай ҳаракати олимларни ҳам ҳайратга солиб қўйди. Тахминларга кўра, маҳаллий аҳоли ҳазил тариқасида сувга тарвуз ва бошқа ширин меваларни ташлаган ҳолда тимсоҳларни шунга ўргатиб қўйганликлари боис юқоридаги ажойиб воқеа рўй берган.**

Инновация — тараққиётнинг муҳим омили

МЕВАНИ ҚУРИТАДИГАН ЯНГИ УСКУНА

Қишлоқ мулкдорлари учун замонавий технологиялар яратишда Тошкент давлат аграр университетининг ўз ўрни бор.

Агросаноат ривожига хизмат қиладиган технологияларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида университетда изчил илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, сув тақчиллиги шароитида об-ҳаётдан самарали фойдаланиш имконини берувчи ўнга яқин ишланма тайёрланиб, саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Бухоро вилоятидаги "Рубин шамс" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда фермер ва тадбиркорларга тавсия этилаётган қуёшдан энергия оладиган, йиғма қуритиш ускунаси шундай изланишлар самарасидир.

Бу технологиянинг қуёш энергияси ёрдамида ишлаши, экспортбоп, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, экологик тоза маҳсулотлар тайёрлаш хусусияти кўпчиликни қизиқтирмоқда. Мевасабзавот, доривор ўсимликларни қуритишга мўлжалланган ушбу ускунада қуритилаётган маҳсулотлар таркибидаги витамин ва микроэлементлар максимал даражада сақланиб қолади. Уларнинг табиий ранги, мазаси ва хушбўйлиги йўқолмайди.

– Қуёш энергиясидан ускунага ўрнатилган вентиляторни ҳаракатга келтиришда фойдаланилади, – дейди ЎзА мухбирига университет доценти, техника фанлари доктори Ахтам Азизов. – Ускуна устидаги қуритиш учун мўлжалланган жойга маҳсулотлар қўйилгач, усти махсус клёнка билан ёпилади. Шунда маҳсулот таркибидаги сув буғланиб, намгарчилик ортади. Намлик қанча тез ҳайдалса, мевани қуритиш жараёни шунча тезлашади.

Одатда мевалар қуёшда қуритилади. Бироқ бунинг учун узоқ муддат талаб қилинади. Масалан, майиз тайёрлаш учун иссиқ кунларда 15-20 кун, об-ҳаво ноқулай келганда бир ойгача вақт сарфланади. Бундай ҳолларда меванинг усти очиқ қолиб, турли зараркунандалар тушиши, сифати бузилиши мумкин.

Янги ускунада бунинг учун бир кун кифоя. Маҳсулотлар чанг, турли ҳашаротлардан ҳимояланган бўлади. Бу нафақат вақтдан ютиш, балки оилавий тадбиркорлар меҳнатини енгиллаштириш имконини ҳам беради.

Ускунанинг яна бир қулайлиги – ҳажмини кичрайтириш мумкинлигида. Мевалар ғарқ пишганда ҳамиша ҳам бозорга ёки қайта ишлаш корхонасига ўз вақтида етказиб бериш имкони бўлмайди. Янги ускунани далага олиб бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойида қуритиб, қадоқлаш, керакли миқдордаги тайёр маҳсулотни жойларга етказиб бериш мумкин.

– Янги технологиямиз мева-сабзавот етиштирувчи фермерлар ва агрофирмаларга маъқул бўлмоқда, – дейди "Рубин шамс" МЧЖ раҳбари Рустам Халилов. – Ихчам ва тежамкор бундай қурилмаларда қайта ишланган маҳсулотлар табиий хусусиятларини сақлаб қолади. Биз деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа эгалари учун буюртма асосида 400 килограммдан 400 тоннагача маҳсулотни қуритишга мўлжалланган ускуналарни тайёрлаш имконига эгамиз.

Сайёра ШОЕВА

РАВОН ЙЎЛЛАР, ЧАРОҒОН КЎЧАЛАР...

Бугун Тошкентнинг қай бир ҳудудида бўлманг, йўлларда, массивларда катта кўламдаги бунёдкорлик ишларининг олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

Дарҳақиқат, пойтахт йўлларидаги автотранспорт оқимининг шиддат билан ошиб боришини инобатга олиб ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, марказий ва шоҳ кўчаларда транспорт оқимининг пасайишига, энг муҳими, йўловчи ва пиёдалар хавфсизлигига эришиш мақсадида улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу ҳақда икки ой муқаддам пойтахт ҳокимлиги алоҳида матбуот анжумани ўтказиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари орқали кенг жамоатчиликни хабардор этган эди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда режалаштирилган ишларнинг жадал бошлаб юборилгани, табиийки, кўплаб марказий ва шоҳ кўчаларда, йўл ўтказгичларда вақтинчалик тирбандликлар, бир сўз билан айтганда, ноқулайликларга сабаб бўлаётир. Шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган брифингда трамвай линияларининг демонтаж қилиниши ҳисобига йўл қопламаларини ўрнатиш ишлари, марказий магистраль кўчалардаги реконструкция ҳамда таъмирлаш жараёнлари, Нурафшон кўчасининг узайтирилиши ҳисобига бунёд этилиши режалаштирилган янги кичик ҳалқа йўлини қуриш борасидаги ишлар, шунингдек, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан ўз йўналишида жорий йил якунига қадар амалга оширилиши мўлжалланаётган ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Жумладан, трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Сарикўл, Меҳржон, 8 март, Сайхун кўчаларининг Фарғона йўли кўчасигача, Шоҳимардон, Фитрат, Темирйўлчилар кўчаларининг Шимолий вокзалгача, Тараққиёт кўчасидан ТКАХЙ бўйлаб Шимолий вокзал, Қушбеги кўчаларидан то Шота Руставели кўчасигача, Муқимий кўчасининг "Чилонзор Оқтепа" майдонидан Шота Руставели кўчасигача, Уйғур кўчасининг Самарқанд дарвоза кўчаси билан чорраҳасидан ва Бешқайрағоч кўчасидан ТКАХЙгача қисмида, Саккокий, Алмоний, Тўқимачилик, Белтепа, Қамарнисо кўчаларида, Қорақамиш-1, Қорақамиш кўчаларининг "Малика" айланмасигача бўлган қисмида йўл қопламалари янгиланади.

Ўзбекистон кўчасининг Амир Темур шоҳ кўчаси чорраҳасидан Бунёдкор кўчаси чорраҳасигача, Бобур кўчасининг Халқаро аэропортдан Нукус кўчасигача, Нукус кўчасининг Бобур кўчасидан Мустақиллик кўчасигача бўлган қисмида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Тошкент Халқаро аэропорти ҳудудида автотураргоҳ қуриш ишлари режалаштирилган.

Анжуманда шаҳардаги Абдулла Қодирий кўчаси, Мустақиллик ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишуви, Мустақиллик ва ТКАХЙ (Салор темир йўл кўприги ва автойўл кўприги)даги ҳамда Дўрмон йўли кўчасидаги йўл ўтказгичларнинг тоннель қисмларида таъмирлаш-тиклаш ишларининг олиб борилиши ҳақида ҳам сўз борди.

Брифингда ҳокимликнинг "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси директори Собиржон Орипов шаҳарнинг Мустақиллик, Амир Темур, Афросиёб, Мирзо Улуғбек ҳамда Дўрмон йўли кўчаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 августдаги 227-сон қарорига асосан олиб борилаётган реконструкция ишларининг бориши ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Ушбу ишларнинг жорий йил июнь ойида поёнига етиши ҳақида ахборот берилди.

Кўпчиликни қизиқтирган Нурафшон кўчасининг Беруний кўчасидан "Чилонзор Оқтепа" майдонигача узайтирилиши борасидаги ишларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилди.

Юқоридаги йирик лойиҳалардан ташқари, шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан жорий йил якунига қадар шаҳар ва туманлар тасарруфидаги йўл ва йўлакларни бутқул ва жорий таъмирлаш бўйича 13 та лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилаётганини пойтахтимизда жорий йилда йўл-транспорт коммуникацияси тизимида улкан ишларнинг яна бир тасдиғи десак муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, Мустақилликнинг 25 йиллик тантаналари арафасида ишга туширилиши режалаштирилаётган объектлар бўйича кенг кўламли ишлар бугун айни қизғин паллада. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари тадбирда ҳозир бўлган журналистлар орқали шаҳар жамоатчилиги, йўлларда ҳаракатланиш аъзолари бўлган йўловчи ва автотранспорт эгаларидан ушбу жараёнда юзага келаётган ноқулайликлар, ҳаракатнинг чекланиш ҳолатлари, тирбандликлар учун узр сўрадилар.

Зеро, пировардида улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари энг аввало, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг қулай ҳаракатланишлари, пойтахт кўчалари ва йўлларида тирбандликларнинг олдини олиш, ҳаракатланишнинг бехатар бўлиши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бу маҳсулотни янгилик сифатида харидорларга тақдим этилгандан буён ўтган қисқа вақтда, уни ўзиники қилиб, қалбакилаштиришга улгурган айрим "тадбиркор"лар ҳам пайдо бўлди. Демак, у ҳаммабоп ва харидоргир эканки, улар бу маҳсулотни ўзлаштиришга қизиқиш билдираётган эканда. Гап нима ҳақида экан, дея ҳайрон бўлаётган бўлсангиз, шошилманг консерваланган тарзда пойтахтимиздаги супермаркетларга чиқарилган "Тошкент палови" тайёрлаётган корхона фаолияти билан сизларни яқиндан таништирамиз.

— Ойига бир миллион банка консерваланган палов ишлаб чиқарилмоқда, — дейди "InterPlastTashkent" масъулияти чекланган жамияти директори Ҳикматилло Абдуллаев. — Албатта, аввалига бироз иккиландик, харидорлар қандай кутиб олар экан деган хавотир ҳам бўлди. Чунки, ҳар қадамда ҳақиқийси пиширилади. Юздан зиёд тури ҳам бор. Шунда таваккал қилиб, Тошкент тўй паловини танладик. Маҳсулотларимиз таркибига ҳеч қандай консервант қўшилмаган. Мазаси эндигина пишган ошдан фарқ қилмайди.

120 килограммлик қозонларда пишган таом ишлаб чиқариш тизими орқали 335 ва 670 граммли банкаларга жойланади. Сақлаш муддати икки йил бўлган маҳсулотнинг асосий харидорлари саёҳатчилар, чет эллик меҳмонлар ва чет эл бозорлари бўлиб, ўтган йили Қозоғистон ва Россияга 300 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ҳозирда Хитой ва Эрон бозорлари ҳам ушбу маҳсулотга қизиқиш билдирмоқда.

Албатта, уларга икки йиллик муддат белгилаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан аввал тегишли ташкилотлардан махсус сертификатлар ва рухсатномалар олинди. Сўнгра хорижга сафарга кетаётган юртдошларимизга Ўзбекистонни эслатиб турувчи "Тошкент тўй палови" консерваси сотувга чиқарилди.

— Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидагиларга барча шароитлар яратилган, — дейди "InterPlastTashkent" масъулияти чекланган жамияти ҳаммуассиси Алишер Салмонов. — Бизнесимиз туфайли тез-тез хорижий давлатларга боришга тўғри келади. Ана шунда юртимизни, яқинларимизни ва албатта миллий таомларимизни жуда соғинаман. Ҳамма жойда ҳам палов пиширишнинг иложи бўлавермайди. Энди саёҳатга ёки дам олишга борсам ҳам, шошиб турганда ҳам бемалол ўзимиз ишлаб чиқарган консерваланган паловни истеъмол қилишимиз мумкин.

"InterPlastTashkent" корхонаси 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаганда пластик эшик ва деразалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Орадан йиллар ўтиб, ана шу турдаги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган тадбиркорлар сони ортди. Тиниб-тинчимас, янги ғоялар топишдан эринмайдиган ишбилармон 2010 йилда хориждан озиқ-овқат маҳсулотларини консервалашда қўл келувчи тунука банкалар ишлаб чиқарадиган линия харид қилди.

Ишлар юришиб, буюртмачилар сони ортди. Ахир, бу маҳсулот бозор учун янгилик бўлиб, хорижникидан анча арзон эди. Икки йиллар ўтиб корхонада яна бир янгиликка қўл урилди. Ҳаммамиз



Ислом Исмоилов олган сурат

яхши биламизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилма бўлиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга. Шундан бўлса керак ишбилармон Ҳикматилло Абдуллаев ҳам бозорни ўрганиб, қайси маҳсулотларга талаб юқори бўлса, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Ана шунда синов тариқасида бешбармоққа мўлжалланган қуритилган хамир ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитойдан келтирилган ускуна кўмагида саккиз соатда 400 граммлик бежирим картон қутиларга қадоқланган 200-400 қути маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхона "Ташаббус — 2016" кўрик-танловининг шаҳар босқичида "Энг яхши экспортчи" номинацияси ғолиби бўлди. Ўз ютуқларидан қувониб, янги марралар сари интилаётган корхона жамоаси ўз маҳсулотлари сонини бошқа ўзбек миллий таомлари билан кенгайтириш ниятида.

Зиёда ВОҲИДОВА

ПАХТА САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти томонидан пахта саноатининг ривожланиш истиқболлари ҳамда муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда пахта тозалаш саноатининг ривожланиш истиқболлари, соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар, муаммолар ва келгусидаги режалар ҳақида сўз юритилди.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси тизимида фаолият юритаётган "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти пахтани қайта ишлаш, пахта ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича бош илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади. Илмий марказда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, янги технологиялар, машина ва механизмлар яратиш ва уларни синовдан ўтказиш учун мукаммал жиҳозланган махсус лабораториялар мавжуд.

Жорий йилда марказнинг илмий-тадқиқот ишлар режаси бўйича ўнта давлат стандарти ва 11 та илмий техник ва меъёрий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши мўлжалланган.

Мамлакатимиздаги инновацион ярмаркаларда "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти юқори намлик ва ифлосликдаги пахтани тозалаш учун янги оқим тизими, пахта ва пахта толасини самарали намлаш ўрнатмалари комплекси, пахтани тозалагичлар чиқиндисидан регенерациялаш ускуналари каби истиқболли ишларини тақдим этиб келмоқда.

Шунингдек, пахтани тозалаш ускуналарини элементлар бўйича модернизациялаш, чигит линтерлаш, тола ва линт тозалаш учун ускуналар комплексини такомиллаштириш, бу жараёнларни автоматлаштириш бўйича ҳам яхши натижаларга эришилаётир. Пахтанинг намлиги ва ифлосланганлигини автоматик равишда тезкор аниқлаш учун тажриба эксперименталь намуналарини синаш ишлари якунланмоқда.

Анжуманда айтилишича, ходимлар малакасини ошириш, уларнинг билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб бориш доимий эътиборда. Илмий таълим комплексининг замонавий ўқув аудиторияларида ва лабораторияларига эга бўлган малака ошириш марказида йилига соҳанинг мингдан ортиқ мутахассислари қайта тайёрланади ва малакаларини оширади.

Тадбирда журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдували СОДИҚОВ

ПРОФИЛАКТИКАДАН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯГАЧА

Пойтахтимизда кардиологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Ш.Тиллаев, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Р.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг барча бўғинларида тиббий хизматни замон талаблари даражасида йўлга қўйишни таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани аҳолига кардиологик хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда жойлардаги бирламчи тиббий-санитария муассасалари, туман ва шаҳар поликлиникаларида аҳолига бу йўналишда жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг ташкил этиши жаҳон тиббиётининг илғор услубларини ўзлаштириш, кардиология хизматини такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур марказда юксак технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Коронароангиография амалиёти бунга мисол бўла олади. Ушбу амалиётни қўллаб, юракнинг тожсимон артериялари торайган жойини аниқлаш ва уни даволаш орқали миокард инфарктнинг олдини олишга эришилмоқда. Бундай илғор технологиялар ҳудудий тиббиёт муассасаларида ҳам жорий этилаётгани ихтисослашган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштирмоқда.

Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юрак нуқсонлари ва касалликларини консерватив усулда даволаш баробарида кардиожарроҳлик ёрдами ҳам кўрсатилади. 2015 йилда фаолият бошлаган ушбу бўлимда юрак-ишемик касалликлари, клапанларни протезлаш амалиёти, юрак туғма нуқсонлари жарроҳлик йўли билан бартараф этилмоқда.

– Бундай мураккаб операциялар учун замонавий шароит ва малакали мутахассислар талаб этилади, – дейди "Северанс" юрак-қон томир госпитали бўлим бошлиғи, профессор Же Янг Чой (Корея Республикаси). – Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ислоҳ этишга давлат даражасида қаратилаётган эътибор самарасида шифо масканларида ана шундай имконият яратилган. Тиббий-профилактика хизмати ҳам ривожланмоқда. Хусусан, миокард инфаркт ва артериал гипертонияни эрта аниқлаш, тиббий патронаж хизматини ривожлантириш орқали касалликларнинг олдини олишга оид тиббий скрининг ва мониторинг ишлари эътиборга сазовор. Бу чора-тадбирлар инсон саломатлигини асрашда юксак натижалар бермоқда. Тадбирда кардиология, тиббий-профилактика ва кардиожарроҳлик хизматини такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳалар бўйича тажриба алмашдик.

Анжуманда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволашдаги янгича ёндашувларга оид маърузалар тингланди. Ёш олимлар ўртасида ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН МАСЪУЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари, театрлар раҳбарлари, туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари бошлиқларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, мамлакатимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир мутахассисларни тарбиялаш доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ўз касбига бўлган иштиёқини кучайтириш, тизимга билимли, дунёқараши кенг, салоҳиятли кадрларни танлаб олишни йўлга қўйиш мақсадида малака ошириш курслари ташкил этилди.

Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтлари ҳузуридаги малака ошириш марказларида ташкил этилган курсларга тизимда фаолият кўрсатаётган 500 дан зиёд раҳбар кадр қамраб олинди. Ўқув машғулотларида "Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси", "Конституциявий ҳуқуқ", "Ахборот хавфсизлиги", "Менежмент ва лойиҳаларни бошқариш", "Бошқарув социологияси ва психологияси" каби мавзуларда мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

– Бугун санъат ва маданият соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассис ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши тўғри шаклланиши учун масъул, – дейди Бухоро маданият коллежи директори Гулнора Ҳусенова. – Шу маънода маданият ва санъат соҳаси вакилларининг ўз билим ва маҳоратини доимий ошириб бориши, дунёқарашини кенгайтириши ғоят муҳимдир.

Тадбирда тингловчиларга сертификатлар топширилди.

(ЎзА)

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

"КЎЗМУНЧОҚ" ЖАЖЖИЛАРГА ОВУНЧОҚ

Юртимизда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ўз қизиқиши бўйича касбга йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Оқил Ғуломов олган сурат

"Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошида ансамбллар фаолият кўрсатмоқда. Ижодий жамоаларга юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар раҳбарлик қилаётир.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази қошида фаолият юритаётган "Кўзмунчоқ" болалар ашула ва рақс ансамбли 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг истеъдодини юзага чиқариш, санъатга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилаётир.

Бу ерда юзга яқин бола вокал, классика, миллий ва жаҳон рақслари йўналишларида сабоқ олади. Улар мамлакат ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, фестивалларда, ижодий беллашувларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ёш авлод учун яратилган қулай шароитлар самарасида Севинч Жовлиева, Сарвар Муҳиддинов, Маъмура Мухторова каби истеъдод эгалари "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Истиқлол юлдузчалари" қўшиқлар кўрик-танловлари, "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг мамлакат босқичида ғолибликни қўлга киритиб келаётир.

– Тўрт йилдан буён танловларда иштирок этиб келмоқдаман, – дейди 9 ёшли Севинч. – Кўплаб дўстлар орттирдим. Китоб ўқиш, қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш энг яхши кўрган машғулотларимдан.

– Ўғил-қизларимизнинг истеъдоди кучли, интилиши баланд, – дейди гуруҳ раҳбари Санобар Мажидова. – Уларнинг муваффақиятини кўриб шодланамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар эртанги куннинг соғлом эгаларини вояга етказиш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиб, иқтидорини намоён этиши, бадиий диди ва тафаккурини бойитиш, санъат сирларини мукаммал ўрганишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎзА мухбири

Болажонларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимиз эътибори марказида туриши давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасидир. Зеро, болалар юртимизнинг нурафшон эртаси, бугунимизнинг чароғон қуёши, ҳаётимизнинг мазмун-маъноси, умримизнинг хайрли бекати ҳисобланади. Уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ва мароқли ташкил этиш, баркамол авлоднинг бахтли ва фаровон ҳаётини сермазмун ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

ОБОД ЮРТНИНГ СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАРИ

Айни кунларда шаҳримизнинг барча масканларида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбирлари, турли спорт мусобақалари ва маънавий-маърифий кечалар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ва мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам мазкур байрам шодиёналарига бағишланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Чилонзор тумани бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Чилонзор туман бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга шаҳримиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болалар таклиф этилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари М.Маҳкамова, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарининг ўринбосари С.Султонов ва бошқалар ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавий-ижтимоий камолоти йўлида зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Турли кўринишдаги спорт ўйинлари, концерт дастурлари, асфальтга расм чизиш бўйича ўтказилган ижодий танлов ва викториналар болаларга хуш кайфият бағишлади.

– Бугунги тадбирда ҳомийлардан ажойиб совғалар олдик, — дейди "2-Қатортол" маҳалласида истиқомат қилувчи Азиза Маликова. – Викторина ўйинларида иштирок этиб, жуда кўплаб дўстлар орттирдим. Бу каби ўтказилаётган тадбирлар биз ёшларни она Ватанимизни севишга, жаннатмакон Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб камолга етишда муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу кун боғ аттракционларидан фарзандларимиз бепул фойдаланишди. Дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар байрам иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Дарҳақиқат, дунёнинг шодлиги бола кулгуси билан янада мунаввар ва гўзалдир. Болажонларнинг юз-кўзларидаги табассум, қалбларидаги ҳаяжон биз катталарга ҳам қувонч бағишлади. Жаннатмакон юртимизнинг истиқболи порлоқ ёшлари ҳамиша бахтли-саодатли бўлишсин, байрамларимизга байрамлар улансин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

Азал-азалдан ўзбек халқи болажон халқ ҳисобланади. Ўзининг серфарзандлиги, болаларга бўлган меҳр-муҳаббати билан бошқалардан ажралиб туради. У нафақат ўз оиласининг бардавомлигини, балки юрти келажагини ҳам ўз фарзандлари тақдирида кўради.

Дарҳақиқат, биз фарзандларимизга бераётган таълим-тарбияни энг аввало улар онгига меҳр, оқибат, мурувват каби туйғулар билан сингдириб, уларнинг маънавий онгини бойитиб, ўз Ватанига нисбатан дахлдорлик ҳиссида тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон ҲДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами муносабати билан "Ҳар бир болага меҳр-эътибор" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда Халқ Демократик партияси фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, таниқли санъаткорлар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда жамиятимизда соғлом болани дунёга келтириш ва баркамол шахс сифатида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг болажонлар учун театр санъаткорлари томонидан саҳналаштирилган қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Турли эртаклар асосида гавдалантирилган қаҳрамонлар орқали болажонларга "яхшилик ва ёмонлик", "эзгулик ва ёвузлик" каби курашларда албатта ҳақиқат ғолиб чиқиши кўрсатиб берилди.

Шунингдек, ташкилотчилар томонидан болажонлар учун қизиқарли китоб тўпламларидан ташкил топган эсдалик совғалари топширилди, боғ ҳудудидаги турли аттракцион ва арғимчоқларга бепул чипталар тарқатилди.

— Байрам менга жуда ёқди, масза қилиб севимли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошаларни кўрдим, — дейди Олмазор туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Гулноза Набижонова. — Дугоналарим билан турли аттракционларда ўчдик. Бу кун узоқ вақт ёдимда қолади.

Ушбу тадбир болажонлар учун чин маънодаги байрам тантанасига айланиб кетди. Улар кун давомида турли томошаларда иштирок этиб, бир олам қувончга тўлдилар. Энг муҳими, уларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор уларнинг жажжи кўзларида акс этиб тургани барчани хушнуд этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Реклама ўрнида

XALQ BANKI

Таъкидлаш керак бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳа ва тармоқларнинг изчил фаолият юритишида молия муассасаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда долзарб аҳамият касб этмоқда.





ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

ёхуд мижозларга яратилаётган қулайлик ва имкониятлар

Шу боис республикамиз банк тизими ривожланиш истиқболлари халқаро рейтинг компаниялари томонидан яхши баҳоланмоқда. Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар, ажратилаётган кредит маблағлари иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги ишларда акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалининг ҳам муносиб ўрни бор.

Банк давлатимиз томонидан қўйилаётган талабларга қатъий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, кичик бизнес субъектлари ва лойиҳаларини молиялаштириш, аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида банкнинг асосий эътибори иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, кичик бизнес субъектларини ҳамда истеъмол бозорини кредитлашга қаратилди. Шу боис январь-апрель ойларида банк томонидан барча соҳаларга 25,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Жорий йилда мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун 22,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар туфайли 36 та янги иш ўринлари яратилди.

Яшнобод туманидаги "Parnas Pharm Group" масъулияти чекланган жамияти АТ Халқ банкининг мижозларидан бири.

– АТ Халқ банкининг Яшнобод филиалидан фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида 800 миллион сўмлик кредит олдик, – дейди жамият раҳбари И.Исмоилов. – Натижада ҳозирда нафақат пойтахтимиз аҳолисига, балки вилоятларимиздан ҳам буюртмалар олиб, сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқдамиз. Бугун жадал ривожланиш даврида изланиш ва интилиш жуда зарур. Янги ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқармасангиз муваффақиятга эришиш қийин. Албатта, янгиликлар қилиш, фаолиятни кенгайтириш учун молиявий кўмак зарур. Бу борада АТ Халқ банки бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам банк эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу мақсадлар учун оз эмас кўп эмас 3,9 миллиард сўм йўналтирилди. Худди шу кредит маблағлари асосан аёллар меҳнат қилаётган кичик корхона, фирмаларнинг ишлаб чиқаришини янада кенгайтиришга сарфланаяпти.

Жумладан, якка тартибдаги тадбиркор аёлларга 65 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ва аёллар бошқарадиган микрофирма ва кичик корхоналарга 3,8 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланди.

– Юртимизда тадбиркорларга кенг йўл очиб берилиб, уларга қатор енгилликлар яратилаётганлигига ўзим тадбиркор бўлиб яна бир бор амин бўлдим, – дейди "Dong Sang" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ли Кил Ри. – Албатта, тадбиркор деган шарафли номни олиб, ўзимнинг энг катта ниятим, яъни тикувчилик фаолиятимни йўлга қўйишимда АТ Халқ банкининг Миробод филиалидан олган кредит маблағи катта ёрдам бўлди. Банкдан олган 475 миллион сўм миқдоридаги кам фоизли кредит маблағига 15 дона тикув дастгоҳи сотиб олдим. Яхши ниятлар билан бошланган иш хайрли бўлади дегандек, мана кичик бир тикув цехимда кўплаб буюртмалар қабул қилиб, уларни ўз эгаларига вақтида етказиб бераяпмиз. Ҳозирда буюртмачиларимиз ҳам талайгина. Муҳими даромадимиз кун сайин ортиб бормоқда. Шу кунга қадар ўн бешта тикувчи қизнинг бандлиги таъминланган бўлса, яқинда уларнинг сафини янада кўпайтириш ниятим бор.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 та оилага 225 миллион сўм кредитлар ажратилди. Бошланғич сармояни шакллантириш учун 50 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Коллеж битирувчилари учун жорий йил бошидан иш фаолиятини ривожлантириш мақсадида бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

– Аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатиш билан шуғулланамиз, – дейди "Xalq Kvartal Servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Холбоева. – Сервис хизматини ривожлантириш мақсадида АТ Халқ банкининг Учтепа тумани филиалидан 248,1 млн. сўм кредит маблағлари олдик. Бугунги кунда жамиятимиз фаолияти кенгайиб, хизмат кўрсатиш турлари кўпайди. Бундан жуда мамнунмиз.

Бир сўз билан айтганда, АТ Халқ банки Тошкент шаҳар филиали фаолиятини янада такомиллаштириш, мутахассислар малакасини изчил ошириб бориш, мижозлар учун янги қулайликлар яратиш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини кескин камайтириш учун янги омонат турларини ташкил этиш борасида мунтазам янгиликларга интилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида иш олиб бормоқдалар.

Банк матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган

Сўранг, жавоб берамиз

Умрбод ижтимоий-иқтисодий таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш тартиби ҳақида батафсил билмоқчи эдим.

Н.Имомов,
Миробод тумани

Умрбод ижтимоий-иқтисодий таъминлаш шарти билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турар жойдан фойдаланиш шу шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади. Шартномада турар жойдан фақат турар жойни бошқа шахсга бераётган ва уни олаётган шахс фойдаланиши назарда тутилиши, турар жойдан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилиши ёки белгиланмаслиги ёхуд турар жойни фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш ёки қонун йўл қўядиган бошқача усулда фойдаланиш белгиланиши мумкин.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тарафни натура ҳолида умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жойни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Шукрулло АКБАРОВ,
Яшнобод туманидаги 1-сонли ДНИ катта нотариуси

* * *

Кредит олиш учун гаровга кўчмас мол-мулкимни қўйган эдим, ҳозирги кунда уйни сотмоқчиман, шу сабабли гаровга қўйилган мол-мулкни қандай тартибда алмаштириш мумкин?

Ш.Ғиясов,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 276-моддаларига асосан, гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса — суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

Нурмуҳаммад ЖУМАКУЛОВ,
Чилонзор туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Нотариус томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар қачонгача сир сақланиши керак?

Рустам Хўжамқулов,
Бектемир тумани

Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади. Нотариал идорада бажарилган нотариал ҳаракатлар сир сақланиши лозим. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ҳабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиш, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам тақиқланади.

Дилором АХУНДЖАНОВА,
Юнусобод туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар қай ҳолларда ва кимларга ошкор қилиниши мумкин?

Акмал Раҳимов,
М.Улуғбек тумани

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ органига тақдим этилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Улуғбек ИСОХОНОВ,
Олмазор туманидаги 10-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мен яқин бир танишимга 10 000 000 сўм қарз бермоқчиман. Шартномани нотариусда расмийлаштириш шартми ёки тилхат олишнинг ўзи кифоями? Нотариусда шартномани расмийлаштиришнинг ютуқ жойлари нимада? Бунда гувоҳлар керакми? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Акмал Хўжамқулов,
Чилонзор тумани

Жисмоний шахслар ўртасидаги қарз шартномаси, агар унинг суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У қарз олувчининг унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки ашёларнинг муайян миқдори берилганлигини тасдиқлайдиган тилхати бўлганда ҳам ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Шу сабабли, агар сиз энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан кам суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, битимни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди – ёзма қарз шартномаси ёки қарз олувчининг тилхати кифоя. Қарз шартномасини тузиш чоғида қонун гувоҳларнинг бўлишини талаб этмайди.

Агар сиз катта суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, ушбу битимни нотариусда тасдиқлашга ҳаракат қилинг. Нотариус нотариал ҳаракатларни содир этиш учун мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаши, юзма-юз суҳбат вақтида фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини аниқлаши, тарафларнинг ҳақиқий ниятларини белгилаши, мурожаат қилган шахсларнинг илтимосига кўра қарз шартномаси лойиҳасини туза олиши нотариал тасдиқлашнинг ижобий томонларидир.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 17-бандига кўра, қарз шартномаси хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Унда қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият бажарилиши усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтириш берилганлиги кўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

Агар сизда нотариусга мурожаат қилиш имконияти бўлмаса ёки маълум сабабларга кўра шундай қилишни хоҳламасангиз, юрист ёки адвокатга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизга шартномани тўғри тузишда ёрдам бериб, унда барча зарур ва муҳим жиҳатларни акс эттирадилар.

Ҳамиджон ЗАҲИДОВ,
Ғолиб ЭШМОНОВ,
Яккасарой тумани ДНИ нотариуслари

Спорт янгиликлари







Мукимжон Кодиров олган суратлар

РАҚИБЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Футзал бўйича жорий йилнинг куз фаслида Колумбияда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилишидан мухлислар хабардор албатта.

Чунки ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам илк марта қатнашади.

Ниҳоят яқинда Колумбиянинг Медельин шаҳрида футзал бўйича жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Қуръа натижаларига кўра Хосе Мария Мендез бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳидан ўрин эгаллади. Гуруҳ босқичида муваффақият қозониш учун Ўзбекистон терма жамоаси Колумбия, Португалия ва Панама терма жамоалари қаршилигини енгиши лозим бўлади.

Колумбияда ўтказиладиган футзал бўйича жаҳон чемпионатида 24 та терма жамоа иштирок этади.

Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг "Пахтакор" ва "Бухоро" жамоалари ўртасида ўтказилган баҳсдан кейин амалдаги чемпион мағлубиятга учради ҳамда кубокни эрта тарк этди.

НИМЧОРАК ФИНАЛ БЕЛЛАШУВЛАРИ

Тошкентда ҳам, Бухорода ҳам "Пахтакор" ва "Бухоро" жамоалари ўртасидаги баҳсларда бир хил ҳисоб — 1:0 қайд этилди. Ҳар икки учрашувда зафар қучган бухороликлар чорак финалга йўл олишди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қўқон-1912" — "Навбаҳор" — 1:1. Дастлабки учрашув — 1:0. "Андижон" — "Қизилқум" — 3:1. Дастлабки учрашув — 2:2. "Насаф" — "Нефтчи" — 1:0. Дастлабки ўйин — 4:1. "Бунёдкор" — "Обод" — 2:1. Дастлабки учрашув — 2:2, "Олмалиқ" — "Металлург" — 2:3. Дастлабки ўйин — 0:1. "Сўғдиёна" — "Машъал" — 0:1. Дастлабки учрашув — 1:1.

Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг "Локомотив" — "ЎзДонгЖу" учрашуви 8 июнда бўлиб ўтади. Дастлабки баҳсда 4:1 ҳисобида тошкентлик чарм тўп усталари ғалаба қозонишган.

Демак Ўзбекистон Кубоги чорак финалига "Бухоро", "Қўқон-1912", "Андижон", "Насаф", "Бунёдкор", "Металлург", "Машъал" жамоалари йўлланма олишди. Дастлабки баҳсда "ЎзДонгЖу" жамоасини 4:1 ҳисобида мағлуб этган "Локомотив" жамоасида ҳам чорак финалга чиқиш учун яхши имконият бор.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Осиё сузиш федерацияси раҳбари Таха Ал-Кишри Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ташриф буюрди.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Меҳмонлар даставвал қўмита музейида бўлиб, бу ерда ўрнатилган турли экспонатлар, кубок ҳамда медалларни кўздан кечирди. Шундан сўнг меҳмонлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бўлиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Республика сузиш федерацияси вакиллари билан бўлиб ўтган музокаралар чоғида Осиё сузиш федерацияси Бош директори аввало таклиф учун ўз миннатдорчилигини билдирди ва мана шундай учрашувлар ўзаро ҳамкорлик ришталарини янада кенг қулоч ёзишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Ташриф сўнгида меҳмонларга Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Республика сузиш федерациясининг эсдалик совғалари топширилди.

ЙЎЛЛАНМА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Халқаро ўқ отиш федерацияси президенти томонидан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Вадим Скороваровга жорий йилнинг август ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланма тақдим этилди.

Халқаро ўқ отиш федерациясидан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига келган расмий мактубда бу тўғрида маълум қилинган. Тажрибали спортчимиз Қувайт ҳамда Ҳиндистонда олимпиада ўйинларининг йўлланмалари ўйналган Осиё саралаш мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ВП-6 машқида юқори натижаларни қайд этган эди. Шу боис, Халқаро ўқ отиш федерацияси спортчимизга олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тақдим қилди. Шундай қилиб, Бразилияга борадиган спортчиларимиз сони яна биттага кўпайди.

Ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси бошланишига қадар спортнинг қатор турлари бўйича яна бир неча лицензион турнирлар ўтказилишини инобатга олсак, спортчиларимиз ҳали йўлланмалар учун кечадиган баҳсларда ўзларига билдирилган ишончни оқлайдилар.

Ботир ХЎЖАЕВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда ҳар бир йилни муайян ном билан аташ, шу асосида махсус давлат дастури ишлаб чиқиш ва унинг ижросини изчил амалга ошириш яхши анъанага айланган. Қайси йилга қандай ном берилишидан қатъий назар, мазмун-моҳиятида аввало инсон, оила, унинг манфаатлари, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом-баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадлар мужассам. Йилларга ном берилишида асосий эътибор оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги, келажакда барча орзу-умидларимизни рўёбга чиқарувчи катта кучни униб, ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида кўраётганлигимиздандир.

Соғлом боланинг дунёга келиши, жисмонан соғлом, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши, аввало онанинг соғлиғига боғлиқ. Ҳомиладор аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида асраб-авайлаб ёруғ дунёга келтиради. Ушбу вақт давомида аёл қандай кунларни бошидан кечирса, бу ҳомилага албатта, таъсир қилади, шундан келиб чиққан ҳолда ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолатининг меъёрида бўлишига жиддий эътибор қаратилса, келажакда соғлом фарзанд дунёга келишига замин яратилади.

Соғлом она — соғлом бола масаласи бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу борада кенг кўламли дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, барча жойларда, таълим масканларида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда турли тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар 3-сон никоҳ уйи қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулотларига жалб қилинаётган келин-куёвларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги борасида атрофлича маълумот берилмоқда. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг асосий мақсади — соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ турли касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир. Чунки оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият равнақига шу даражада мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бахтиёр оилада соғлом болалар дунёга келади. Соғлом болалар эса эртамизнинг ишончли эгаларидир.

Гўзалхон УСМОНОВА,
3-сон никоҳ уйи мудираси

"101"

ОГОҲЛИК ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ёнғинларни келтириб чиқариши барчага маълум.

"Тилсиз ёв" эса мол-мулк билан бирга инсон саломатлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ачинарлиси куйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ташкил этади. Улар билан суҳбатлашганимизда бунга билиб-билмай қилган ҳаракати ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, чўғ билан ўйнаш, баъзан тез алангаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги сабаб бўлганлигини эшитамиз. Баъзида олов, газ, электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, эътиборсизлик ёнғинга сабаб бўляпти.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг олдини олган бўламиз.

Унутмангки, ҳар бир ёнғин бу йўқотишдир.

Х.АҲМЕДОВ,
Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сафдор

* * *

Содир бўлаётган ёнғинларни ва улардан кўриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига амин бўламиз.

Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Дейлик, ёнғин хавфсизлигини таъминлашни олайлик. Оддийгина кўникмалар, кундалик ҳушёрликни ошириш ана шу офатнинг келиб чиқмаслигининг асосий омилидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёнғин чиқмаслигининг асосий омили – огоҳликни кучайтиришимиз керак. Огоҳлик осойишта ҳаётимизнинг муҳим омили эканлигини унутмаслик лозим.

Шерзод ЭРГАШЕВ,
Тошкент ТИИБ ЁХБ инспектори

* * *

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, кулга айланиши ҳеч гап эмас.

Энг ачинарлиси эса — ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, газли ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш бефарқлик, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Кишиларимиз аксарият ҳолларда шу каби арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишади, аммо эътибор қилишмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик: уйда, ишхонада жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Нуриддин ЮЛЧИЕВ,
Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Аҳмат Маткаримов (исм-шариф ўзгартирилган) Зангиота тумани ҳокимлиги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 2014 йилнинг 4 августида рўйхатдан ўтган МЧЖнинг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, бир қанча жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширганлиги ошкор бўлди.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Наримон ва бошқа номаълум шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бош ҳисобчи кўзда тутилмаган жамиятнинг раҳбари сифатида давлат томонидан белгиланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар бўйича баланс ҳисоботларини тузиб, хизмат вазифасига бевосита Зангиота ДСИга ҳисоботларни топшириш вазифаси кирган бўлишига қарамай ҳисоботларни тақдим этмаганлиги оқибатида 76 млн. 805 минг сўмлик солиқ тўловини қасддан яширган.

Шунингдек, А.Маткаримов 2015 йил биринчи чорак учун Зангиота туман ДСИга ҳисоботларни тақдим этмаганлиги оқибатида 99 млн. 489 минг сўмни ўзлаштириб юборган.

А.Маткаримов бир гуруҳ шахслар билан бирга жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2014 йил 27 ноябрдан то 2015 йилнинг 19 февралига қадар жамиятга кирим қилиниши лозим бўлган Россия Федерациясидан импорт қилинган ўсимлик ёғи ва бошқа маиший техник молларини ҳукумат қарорларига зид равишда Тошкент шаҳрида номаълум шахсларга сотиб юбориб, савдодан тушган пулларни банк кассасига кирим қилмасдан савдо қоидаларини кўп марта бузган.

Суд жараёнида А.Маткаримов ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд уни давлат томонидан белгиланган жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашда, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қимматда бузишда айбдор деб топиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади ҳамда икки йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Рустам ПАТТОҲОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Юнусобод тумани бўлими катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

- Олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 октябрда № 608 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GIDROENERGETIKA" mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo`shma korxonasi" (СТИР 206765519);
- олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 1 июлда №462 реестр рақами билан рўйхатга олинган "VIS AGRO" mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo`shma korxonasi" (СТИР 204731404);
- олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 февралда № 536 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BASYS" mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi qo`shma korxonasi" (СТИР 204767611);
- олдин Тошкент шаҳри Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2011 йил 15 февралда № 006401-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "INFRASTRUKTURA" масъулияти чекланган жамиятлари (СТИР 300569920) Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил 29 декабрда № 002418-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ENERGOKIMYOMARKAZ" масъулияти чекланган жамиятига (СТИР 201052752) қўшиб юборилаётганлиги маълум қилинади ҳамда ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаат учун тел: (91) 163-60-01

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ. офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ